

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2017  
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

**А.Қ.ЎРИНОВ, М.М.АБДУМАННОПОВ**

Интеграл оператор қатнашган дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала ..... 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

**К.ОНАРҚУЛОВ, А.ЮЛДАШЕВ, Т.АЗИМОВ, Ш.ЙЎЛДОШ ҚОРИ**

Висмут-сурма теллурид юпка пардаларнинг электрофизик хоссаларига технологик жараённинг таъсири..... 9

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

**Х.НИЯЗОВ, Ж.КУРБАНОВ, А.Х.ХАЙТБАЕВ, Г.И.МУХАМЕДОВ**

Саноат чиқиндилари ассида интерполимер композитлар олиш ..... 13

**М.М.НУРМАТОВА, Н.ИСМОИЛОВ, Ш.Ш.ТУРҒУНБОЕВ**

Катионит КУ-2-8 иштирокида 4-метилфенолни  $\alpha$ -фенилэтилспирт билан алкиллаш ..... 19

**Ш.МУХИДИНОВА**

Ташқи муҳит ва мактабгача таълим муассасалари объектларида санитар-гельминтологик текширувларнинг таҳлили ..... 21

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

**М.ИСАҒАЛИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ, С.СОЛИЕВА**

Бўз тупроқларда изеннинг биогеокимёвий хусусиятлари ..... 24

**Г. ЮЛДАШЕВ, Г.СОТИБОЛДИЕВА**

Тупроқ ҳосил бўлишининг энергия манбалари ..... 29

**О.АБДУҒАНИЕВ, М.ДЕХҚОНБОЕВА**

Геокомплексларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг геоэкологик тамойиллари ..... 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

**М.АДҲАМОВ, С.ИСМОИЛОВА**

Ўрта ёшдаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ва ечимларига бир назар ..... 38

**А.МИРЗАЕВ, А.АСРАҚУЛОВ, С.ХАЗРАТҚУЛОВ**

Иқтисодиётни тартибга солишда молиявий кўрсаткичларни баҳолаш ва уларнинг таҳлили ..... 41

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ, ТАРИХ

**И.М.АРЗИМАТОВА, И.Э.ЭРКИНОВ**

Шахс камолотида ижтимоий омилларнинг ўрни ..... 46

**А.САЛМОНОВ, Д.ЮСУПОВ**

XX асрнинг 50-60 йилларида ислом муассасалари фаолиятини совет ҳокимияти томонидан чеклаш сиёсати ва унинг оқибатлари. (Фарғона вилояти мисолида) ..... 50

**А.АШИРОВ, Ҳ.РАҲМАТИЛЛАЕВ, И.АБДУҲАМИДОВ**

Ўзбек халқи этнографиясини ўрганишда ўчмас из қолдирган олима ..... 53

**Б.УСМОНОВ**

Фарғона водийсининг Амир Темура давлати таркибига киритилиши ..... 56

**М.ИСОМИДДИНОВ, У.МЕЛИҚЎЗИЕВ**

Зарафшон воҳаси деҳқон жамоалари ва чорвадорлар маданиятларининг ўзаро алоқалари ..... 60

УДК: 331+331.6

## ЎРТА ЁШДАГИ ИШСИЗ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИГА БИР НАЗАР

М.Адҳамов, С.Исмоилова

### Аннотация

Ушбу мақола Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг бандлигини ошириш, айниқса, ишсиз ўрта ёшдаги аҳолини ўқитиш ва малакасини ошириш борасида олий таълим муассасаларининг ролини ошириш масалаларини ёритишга қаратилган.

### Аннотация

В статье рассматриваются вопросы социальной защиты и занятости населения в Узбекистане, а также повышения роли высших учебных заведений в обучении и повышении квалификации безработного населения среднего возраста.

### Annotation

This article is about social protection and increase status in employment of population in Uzbekistan, especially increase the role of universities in training and retraining unemployment middle age generation.

**Таянч сўз ва иборалар:** меҳнат ресурслари, ишсиз ўрта ёш аҳоли, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш, Европа тажрибаси, "Магнет" лойиҳаси.

**Ключевые слова и выражения:** трудовые ресурсы, безработица среди населения среднего возраста, переобучение и повышение квалификации, европейский опыт, проект «Магнет».

**Key words and expressions:** working resources, unemployment middle age generation, training and retraining, European experience, project "Magnet".

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари сифатида аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, ишга жойлаштиришга муҳтож, иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун (1998 й.), "Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида"ги Низом (1999 й.), "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишга қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низом (2008 й.) каби меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан биргаликда, ҳар йили янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича йил номи билан боғлиқ ҳолда давлат дастурлари ишлаб чиқилади. Ушбу давлат дастурларида йил давомида минтақалар кесимида янги иш ўринларини яратиш, ишсиз аҳоли қатламларини иш билан таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича алоҳида бўлимлар мавжуд ва бу бўлимларда белгиланган вазифаларни амалга

ошириш юзасидан сезиларли натижаларга эришилмоқда. Амалга оширилаётган ислохотларга қарамай бу борада қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Мисол учун Фарғона вилоятини 2016 йил меҳнат бозори таҳлили шуни кўрсатадики, вилоят аҳолиси 3534900 кишини ташкил этган бўлса, ундан меҳнат ресурслари 2017200 кишини ташкил этади. Умумий меҳнат ресурсларининг 79%ини иқтисодий фаол аҳоли (1596636 киши) дан иборат. Иқтисодий фаол аҳолининг иш билан банд қисми 1508296 кишидан иборат бўлиб, бундан, 877796 нафари, яъни 58%и иқтисодиётнинг расмий секториди, 489618 киши, яъни 32%и норасмий секторда бандларни ташкил этади [6.3]. Иқтисодиётнинг норасмий сектори, яъни рўйхатга олинмаган кўча савдоси, улгуржи воситачилик операцияларида, хизмат соҳасида ва бошқаларда иш билан банд бўлган фуқаролар ишсизлигини камайтиришнинг маълум амартизатори бўлиб келган. Лекин норасмий секторда банд бўлганларнинг асосий қисмини шуғулланаётган фаолиятининг мавсумийлиги, айрим хизмат турларига талабнинг доимий эмаслиги ҳамда ушбу секторда банд бўлганларнинг таҳлили борасидаги аниқ маълумотларга эга бўлишнинг қийинлиги боис, бизнингча, яширин ишсизлик миқдори расмий ишсизлик миқдоридан кўпроқни ташкил этмоқда.

М. Адҳамов – ФарДУ, иқтисод фанлари доктори, профессор.

С.Исмоилова – ФарДУ иқтисодиёт назарияси кафедраси ўқитувчиси.

Маълумки, меҳнат ресурсларини ёш мезонлари бўйича 5 гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

- 1- гуруҳ. Ёшлар (16-29 ёш);
- 2- гуруҳ. Ўрта ёшлилар (30-49 ёш);
- 3- гуруҳ. Пенсияолди ёшдагилар (аёллар 50-54 ёшгача, эркаклар 50-59 ёш);
- 4- гуруҳ. Пенсия ёшдагилар (55 ёш ва ундан юқори-аёллар, 60 ёш ва ундан юқори-эркаклар);
- 5- гуруҳ. Ишловчи пенсионерлар.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 % ини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, асосан ёшлар билим олиш, касбий маҳоратини ошириш, ҳарбий хизматни ўташ билан машғул бўладилар. Шунинг учун меҳнат ресурсларининг энг юқори фаоллиги ва иш билан бандлиги 25-49 ёш оралиғидаги ўрта ёш аҳолига тўғри келади. 50 ёшдан сўнг эса, меҳнат фаоллиги аста-секин пасайиб боради [5.237].

Расман рўйхатга олинган ишсизларни янги касбга йўналтириш ҳам ишсизликни камайтириш йўллари билан бирдир. Бундай тадбирларни маҳаллий, минтақавий ва миллий даражада молиялаштириш амалга оширилмоқда. Ушбу маблағлар Давлат дастурлари доирасида кўзда тутилган ёшларни, биринчи навбатда, касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш йўналишидаги тадбирлар учун сарфланиб, ўрта ёшдаги иш билан банд бўлмаган аҳоли қатламларини иш билан таъминлаш муаммосини тўлиқ қамраб олмаган. Шу билан бирга турли давлат ва нодавлат институционал тизимлар томонидан ташкил этиладиган ишсиз аҳолини касбга йўналтириш ва қайта тайёрлаш тадбирлари қисқа муддатли ўқитиш тизимларидан иборат.

Лекин ишсиз ўрта ёш аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси юқорилиги, уларни иш билан банд қилиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда қуйидаги камчиликларнинг мавжудлиги бу борадаги олиб борилаётган ислохотларнинг тўқис амалга ошишига ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда:

– миллий менталитетимизга кўра ишсиз аҳолининг меҳнат органларига иш сўраб мурожаат қилиш даражасининг пастлиги;

– касбга йўналтириш бўйича меҳнат органлари ва хусусий субъектлар томонидан ташкил этилган ўқув курсларига ишсиз ўрта ёш аҳолининг камроқ мурожаат этиши (моддий омиллар, ўқув курслари гуруҳларини ташкил этишда тингловчилар ёшининг инобатга

олинмаслиги, аҳоли ўртасида курсларга ишончсизликнинг мавжудлиги);

– аксарият ўқув курсларини олиб бораётган тренерларнинг етарли билим, тажриба ва малака ҳамда мотивацияга эга эмаслиги;

– ишсиз ўрта ёш аҳолининг иқтисодий, ҳуқуқий билимини етишмаслиги, компьютер саводхонлиги даражасининг пастлиги.

Айтиб ўтилган жараёнларни бартараф этилиши, бизнингча, ишсизлик ҳолати даражасининг пасайишига олиб келишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунида таъкидланишича [1.4], ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ўқув юртларида меҳнат органларининг йўлланмалари бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, ўқув юртлари ва меҳнат органлари ўртасида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада самарали ташкил этиш мақсадида олий таълим муассасалари (ОТМ) бу муаммога жиддий қарашлари лозим. Чунки ОТМда мазкур ишларни амалга ошириш учун етарли шароитлар мавжуд. Жумладан, интеллектуал потенциалнинг юқорилиги, моддий-техник базанинг етарлилиги, меҳнат бозорини ўрганиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш бўйича тажрибанинг мавжудлиги ва бошқалар. Шу билан бирга бандликка кўмаклашиш тизими билан ҳамкорлик олий таълим муассасалари томонидан меҳнат бозоридаги талаб мавжуд бўлган йўналишлар ва мутахассисликларни аниқлаш асосида талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича таълим хизматларини йўлга қўйиш имкониятини кенгайтиради.

Юқоридаги муаммоларни самарали ҳал этилиши мақсадида Фарғона давлат университети ташаббуси билан республикамиздаги академик ва ноакадемик ҳамкорлардан иборат консорциум аъзолари "Университетлар - Ўзбекистонда ишсиз ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш марказлари тармоғининг асосий ҳамкори сифатида" (MAGNET) лойиҳасини амалга оширишга қарор қилинди. Ушбу лойиҳа ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш ва шу орқали уларнинг реал даромадини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш учун хизмат қилади. Лойиҳада таъкидланган марказ эса аҳолининг ишсиз қатламига зарурий

маслаҳатлар, ҳамда маълумотларни етказишда муҳим бир воситачи бўлиб фаолият юритади.

Ишсиз аҳолини ўқитиш ва касбга йўналтириш мамлакатда ишсизликни камайтиришга кўмаклашади. Маълумки, Европа аҳолисининг аксарият қисмини ўрта ёшлилар ташкил қилади. Шу сабабли Европа давлатларида аҳолининг ўрта ёш қатламини ўқитиш, касбга йўналтириш ёки қайта тайёрлаш борасида жуда катта тажриба тўпланган. Европа давлатларида ушбу фаолият билан шуғулланувчи институтлар, марказлар мавжуд (European Centre for the Development of Vocational Training (CEDEFOP), founded in 1975, Thessaloniki, Greece). Аксарият Европа Олий таълим муассасаларида ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида фаолият сифатида қаралади. Ўзбекистон ОТМларида эса бу соҳадаги фаолият мавжуд муаммоларни деярли қамраб олмаган. Айнан, шу сабабли мазкур институтлар ва марказларнинг иш фаолиятларини ўрганиш, ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, қайта тайёрлаш тажрибасидан кенг фойдаланиш лойиҳани самарали амалга ошириш имкониятини беради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ЕИ ҳамкорлари томонидан лойиҳани амалга ошириш давомида ЕИ мамлакатларида шаклланган тажрибаларни Ўзбекистон ОТМларида ва бандликка кўмаклашувчи институционал тизимлар фаолиятида жорий этилишига амалий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилади.

Фикримизча, лойиҳани амалга ошириш бир томондан жамиятдаги меҳнат бозорида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилиш билан бирга, иккинчи томондан, олий таълим

муассасаларининг таълим хизматлари бозорида талаб юқори бўлган таълим йўналишларини таклиф этиб бориш имконини кенгайтиради.

Лойиҳа доирасида яратиладиган Марказларнинг интернет сайтида марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган хабарлар, ўқув курсларини тамомлаган тингловчилар, бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базасининг ташкил этилиши ҳамкор ташкилотлар ҳамда фаол иш қидираётганлар ва иш ўринларини яратувчилар ўртасида ахборотлар алмашинуви узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Марказда касбга йўналтириш курсларининг меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши, жалб қилинадиган тингловчиларни танлаш жараёнида уларнинг базавий маълумотининг сўралмаслиги, ёш омилни ҳисобга олиниши, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши шароитида меҳнат ресурсларини замон талабига мослаштиришга йўналтирилганлиги, тингловчилар ҳамкор ташкилотлар орқали жалб қилиниши кабилар лойиҳанинг инновативлигини кўрсатади.

Лойиҳа доирасида ташкил этилиши кутилаётган Карьер марказлари (Фарғона, Нукус ва Қарши) билан ҳамкорликни йўлга қўйган Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Марказлари "Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларни малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида"ги Низомнинг 2.3-бандига кўра туман (шаҳар) меҳнат органларининг ишсиз шахсларнинг касбий таълимини ташкил этиш масалалари бўйича корхоналарнинг кадрларлар хизмати ва ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлигига доир фаолиятини самарали ташкил қилади ва мувофиқлаштиради.

#### Адабиётлар:

1. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ги Қонун. – Т., 1998.
2. "Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисида"ги Низом. – Т., 1999.
3. "Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишга қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низом. – Т., 2008.
4. Меҳнат кодекси. – Т.: Адолат, 2008.
5. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Т.: Меҳнат, 2004.
6. Фарғона вилояти меҳнат бошқармаси маълумотлари. Фарғона, 2016.